

Шавкат ХУРРАМОВ

Ой түлүшінан
октобер



Шавкат Хуррамов

*ОҮ ТҮРКИШТАН
ОҚШОМ*

Шеңрлар

Тошкент
"Turon zamin ziyo"
2013

УДК: 821.511

ББК 84(5У)7

Х 74


Хуррамов, Шавкат

Ой тўлишган оқшом (шеърлар) / Ш.Хуррамов, -
Тошкент: "Turon zamin ziyo" нашриёти 2013. - 76 б.

ISBN 978-9943-25-414-5

Яхши шеър ўқиган одамнинг кўнглида ўз-ўзидан яхши
кайфият уйғонади. Ушбу тўпламдаги шеърлар ҳам
ўйноқилиги, лирикага бойлиги, севги-муҳаббат, вафо-
садоқат, дўстлик-биродарликни тараннум этишдаги
ўзига хослиги билан ўқувчида яхши таассуротлар
уйғотади, деган умиддамиз.

Тақризчи:
Олим Усмонов,
филология фанлари номзоди



ISBN 978-9943-25-414-5

© X. Хуррамов,
© "Turon zamin ziyo"
Тошкент, 2013.

*Яхши бўл, гар сени олам десинлар, майли, ёмон,
Яхшидир ёмон бўлиб, бехабар бўлгандан замон.*

АЁЛЛАР

Сиз гўзал ва лобарсиз, сиз Лайли-ю Ширинсиз,
Сиздадир ҳаёйибо, сиз туфайли биз ҳаёт.
Сиз келтирган дунёга улуг зотлар бизга ёд,
Сизлар борсиз ҳамиша тинчлик бўлсин барҳаёт.

ШЕЪРИЯТ

Қўшиғим, куйим бўлган,
Дилда борим, шеърият.
Орзуйим-ўйим бўлган.
Вафодорим, шеърият.

Дарёдек жўшиб келар,
Дунёни кезиб келар,
Қалбимни эзиб келар,
Сирдошимдир шеърият.

Ухлаганда тушимда,
Баъзан эса ҳушимда,
Менинг ҳар бир ишимда
Ҳамроҳимдир шеърият.

Сўзлар бўлсам қувончим,
Сирим айтар ишончим,
Йиғлаганда юпанчим,
Юрагимдир шеърият.

ШАЙТОН ТУРИБДИ

Бизнинг орамизда кўринмай сира
 Сездирмай пинҳона кезиб юрибди.
 Йўлдан оздирмоқни бурчи деб билган
 Сени бошқармоққа шайтон турибди.

Карнинг қулоғида, кўрнинг қўзида,
 Гунгларнинг тилида, соқов сўзида,
 Гўзал жамолида, аҳмоқ юзида
 Чордона жойлашиб шайтон турибди.

Номард режасида, нодон кўнглида,
 Фоҳиша қўйнида, қингир қўлида,
 Ёлғончи аҳдида, дайди йўлида
 Хизматга шайланиб шайтон турибди.

Мастнинг елкасига миниб юрганин
 Ожиз бу бандаси қайдан билибди.
 Шишанинг ичида бетоқат бўлиб,
 Очсанг, чиқаман, деб шайтон турибди.

Шайтондан қочиб мен узоқлаб кетсам,
 Қўйган тузогидан амаллаб ўтсам,
 Йиқилиб-суриниб қутулдим десам,
 Қўлтиғимдан суяб шайтон турибди.

Фойдаси йуқ, Шавкат, унда кўп ҳийла,
 Ўзгаларни қўйиб, ўзингни ўйла,
 Ўлсам гар, Худойим, жаннатга жойла,
 Дўзахдан кўрқаман, шайтон турибди.

КИМ ҚОЛАР?

Кимлар имкон бўлса, олдинга чопар,
 Ким эса пиёда, секин юради.
 Шошган инсон балки адашиб қолар,
 Секин юрганлари олдин боради.

Кимлар кўзи ожиз, қалби кўради,
 Кимлар соппа-соғу кўрдай юради.
 Кимлар саҳар чоғи ибодат қилса,
 Кимлар чошгоҳда ҳам аранг туради.

Кимлар яхшиликни шиор деб билса,
 Кимлар буни оддий бир ҳол билади.
 Кимлар йиқилганинг қўлидан тутса,
 Кимлар қулашига "ёрдам қиласи".

Кимларнинг тили бор, галира олмас,
 Кимлар ноҳақ, аммо ҳеч тилдан қолмас.
 Кимлар кимларданdir нолиб яшайди,
 Яхшилар бироннинг устидан кулмас.

Кимлар тирик, гар жойи гўрда,
 Кимлар яшамоқда мисоли мурда.
 Кимларники доим бўсаға бўлса,
 Кимсаларнинг ўрни албатта тўрда.

Кимлар етиштирас, ўзи емайди,
 Кимлар болни ухлаб тушда кўрмайди.
 Кимларнинг орзуси уйланиш бўлса,
 Кимларни ёридан қўнгли тўлмайди.

Кимлар ёшлигидан онасиз қолган,
 Кимлар боласини бошқадан олган.
 Кимлар кимсаларни хор айламади,
 Кимнинг косасига ким заҳар соглан.

Кимлардан, сиз билинг, яхшидир ҳайвон,
 Кимлар қаср қурдилар, кимники айвон.
 Лекин, дўстлар, аммо бир нарса аён,
 Ким қолар ўтмайин мисоли карвон.

БОБОДЕХҚОНИМ

Бир қараб биласан бободеҳқонни,
 Қўллари қаварган, кетмон урибди.
 Қуёш ботган аммо ой шуъласида,
 Ухламай далада ёлғиз юрибди.

Кундузи офтобда юзи қорайган,
 Мехрини борини ерга берибди.
 Маржондек бошидан оққан терини,
 Гоҳи енги билан артиб турибди.

Бир пиёла чойни ҳам ором ичолмай,
 Ҳаётдан кўнели тўқ мамнун юрибди.
 Камтарона тўй қилмоқ орзусида
 Кун эмас ой эмас йиллар кутибди.

Сизлар бор дастурхон ноз-неъматга мўл,
 Ўзингиз тўқмисиз, Бободеҳқоним.
 Турна келар қатор кўзлагани кўл,
 Саноқда йўқмисиз, Бободеҳқоним.

КАКАЙДИМ

Киндик қоним оққан күзимни очган,
Барча юртдан менга гўзал Какайдим.
Полвонингни кўрган майдондан қочган,
Сенга ёзар бўлдим фазал, Какайдим.

Ўрису қозофинг, татарларинг бор,
Ўзбек, тоҷик ҳамда арабинг бисёр.
Миматларга бой бўлган гўзал диёр,
Фаҳрлансан арзиди сенла, Какайдим.

Омонхон ҳуснингни зиёда қилди,
Кўркингга кўрк қўшди, бир қаср қилди.
Раим қилган савобни халқим кўрди,
Мардларни бағрига олган Какайдим.

Захматкаш дехқонинг – Усмонларинг бор,
Тупроқдан ундирап олтин ила зар.
Кимлар остоанангни бир кўришга зор,
Сенга тариф йўқдир, она Какайдим.

Қора олтининг бор баҳт сенга боқди,
Қанча хонадонинг чирогин ёқди.
Аму-занг каналинг тескари оқди,
Мўъжиза майдони бўлган Какайдим.

Ҳар қадамда ошхонанг халқ доим тўқ,
Хизматда гўзаллар ҳеч бир тенги йўқ.
Қошларинг ёй бўлса киприкларинг ўқ,
Бафрикенг диёrim, гўзал Какайдим.

Иймоним, виждоним соним, сен ўзинг,
Оғзимдаги ҳалол ноним, сен ўзинг.
Томиримда оқар қоним, сен ўзинг,
Шуҳратим, шавкатим, шоним, Какайдим,
Сенга фидо бўлсин жоним, Какайдим.

БҮЛМАСА

Узоқ сафар чиқолмайсан
Чүнтақда боринг бўлмаса,
Юз йилинг бир кунга тенгмас
Вафоли ёринг бўлмаса.

Вақтингни сен бил ғанимат,
Имкон бўлса кўрсат ҳиммат.
Обрўйингдир пулга қиммат,
Гар дуогўйинг бўлмаса.

Бу дунёдан ҳар ким ўтар,
Канда қилмай рўза тутар.
Беш вақтинг ҳам бекор кетар
Падаринг рози бўлмаса.

Савоб ишни нокас қилмас,
Берай деса қўзи қиймас.
Қанча бўлса ҳамки тўймас,
Ўрни қабрда бўлмаса.

Хатоларинг оширади,
Тили билан тоширади.
Хизматингни яширади
Яхши қариндош бўлмаса.

Баъзилар бор эгри қўли,
Баъзиларнинг қинғир йўли,
Захардан аччиқдир тили
Боргандада қўлда бўлмаса.

Ким боласин қилдирап хор,
Кимлар эса тирноққа зор.
Нодон биландир гўзал ёр,
Бири кам дунё бўлмаса.

Яхшилик ерда ётмайди,
 Ҳақиқий дўстлар сотмайди.
 Туғишганга тош отмайди,
 Иймонсиз аҳмоқ бўлмаса.

Ёмонлар билан дўст бўлма,
 Фақирлар устидан кулма.
 Бошингни минг жойга урма,
 Пешонангда у бўлмаса.

Кимлар борки асли ёмон,
 Ёмон бўлса қолмас омон.
 Дангасага энди замон
 Балки баҳона бўлмаса.

Бу дунё бир синамоқдир,
 Ҳамма жойи ҳам ямоқдир.
 Яхши-ёмон яралмоқдир
 Охир замона бўлмаса.

Шавкатжон, бил, ўрнинг қайда,
 Ўралашма сен ҳар жойда.
 Шеърларингдан сукут фойда,
 Агар харидор бўлмаса.

БИЛМАЙСИЗМИ?

Дўстлар даврасида сўз менга етди,
 Шеърлар айтсан энди, сиз тинглайсизми?
 Сизларсиз лаҳзалар йиллардек ўтди,
 Нега шундай бўлади, билмайсизми?

Билсанг дўстдан ортиқ сирдошинг бўлмас,
 Хаста бўлсанг сохта дўст кўнглинг олмас.
 Содиқ дўстнинг соғинчи тинчлик бермас,
 Нега шундай бўлади, билмайсизми?

Баҳор ўтиб кетар, қиши етиб келар,
 Чархпалак сингари йиллар айланар.
 Дүстга дүстнинг доим қўнгли боғланар,
 Нега шундай бўлади, билмайсизми?

Беш кунлик дунёмиз дўст билан гўзал,
 Шоирлар бу ҳакда ёзади фазал.
 Яхши дўст шириксўз даврани безар,
 Нега шундай бўлади, билмайсизми?

КЎРГИМ КЕЛАДИ

Шоир эмасману ёзгим келади,
 Сўзларни маржондай тизгим келади.
 Мажнундек кезсам-да тоғу тошларни
 Кўзларингни, жоним, кўргим келади.

Орзу канотида сузгим келади,
 Тўлқиндай мавж уриб ўзгим келади
 Кўнглимнинг таянчи, қалбим кувончи
 Кўзларингни, жоним, кўргим келади.

Дунё тургунича тургим келади,
 Сенинг сирларингни билгим келади,
 Сокин тун оқшоми ой тўлишган чоф
 Кўзларингни жоним кўргим келади.

Ой юзли гўзалсан боргим келади,
 Ёнингда бир умр қолгим келади.
 Наврўзли баҳорим, эй гўзал ёрим,
 Кўзларингни, жоним, кўргим келади.

СЕВГИМДАН ТОНДИМ

Үн саккизга тұлған парини севдим,
 Қирққа кирганида тегаман деди.
 Унинг ишқида мен неча йил күйдим,
 Қирққа кирганида тегаман деди

Гүзәлнинг күнглини била олмадим,
 Шу сабаб ёнига кела олмадим.
 У билан үйнаб ҳеч түя олмадим,
 Қирққа кирганида тегаман деди.

Қирқ ёшга етганда элликка борсам,
 Соч-соқол оқариб чимилдиқ кирсам.
 Не бұлар тишиларсиз тиржайиб турсам,
 Қирққа кирганида тегаман деди.

Ёшликтининг гуллаган даври ҳам үтса,
 Орзуладар ўрнини армонлар ютса.
 Мен тенги дўстларим невара кутса,
 Қирққа кирганида тегаман деди.

Не қиласай, Шавкатжон, мен үтда ёндим,
 Ишқининг шаробидан, айт, қачон қондим.
 Иложим ийүқ энди, севгимдан тондим,
 Қирққа кирганида тегаман деди.

БАРИСИ ЁЛГОН

Тонг палласи йироқдан бир қуш
 Чуғурчиқлаб сайрай бошлади,
 Юракдаги ярамни тирнаб
 Сен ҳақингда сўрай бошлади.

Эй гүзалим, баҳорни яна
 Ўзинг билан бошлаб келдингми,
 Ёлизилигим кўриб сахрова
 Кўзларингни ёшлаб келдингми.



Аҳволимни сўрама, эй қуш,
Юрагимни тирнама, эй қуш,
Ўтди гўё бўронли бир қиши,
Бари ёлғон, бариси бир туш.

СУРХОНИМНИНГ ҚИЗЛАРИ

Қаранг гўзал қизларга,
Ёниб турган кўзларга,
Ширишакар сўзларга,
Сурхонимнинг қизлари,
Ойдан гўзал юзлари.

Дўстларини кулдириб,
Йигитларни куйдириб,
Суймаганни сўйдириб,
Сурхонимнинг қизлари,
Ойдан гўзал юзлари.

Ёфду сочар кечаси,
Ҳавас қиласар нечаси,
Озодадир кўчаси,
Сурхонимнинг қизлари
Ойдан гўзал юзлари.

Илҳом келса, Шавкат, ёз,
Ёзсанг агар жуда соз,
Қанча ёзсанг шунча оз,
Сурхонимнинг қизлари,
Ойдан гўзал юзлари.

ОНАЖОНИМ

Онаジョンим, осмонга қараб
 Сизга бир сүз айтмоқчи бўлдим,
 Онаジョンим, юлдузингизни
 Излаб-излаб топмоқчи бўлдим.

Бахтимга сиз доим бор бўлинг,
 Барча ишда мададкор бўлинг,
 Пойингизга гуллар экайин,
 Сизга атаб шеърлар айтайн.

Онаジョンим, қучоғингизга,
 Эркаланиб ётгим келади.
 Оппоққина соchlарингизни
 Силаб-сийпаб қучгим келади.

Афсус ёшлиқ ўтмоқда, она,
 Йиллар келиб кетмокда, она,
 Куздан нишона бергувчи умр
 Баҳорини қўмсайди яна.

Онаジョンим, юлдузингни
 Излаб-излаб топмоқчи бўлдим,
 Онаジョンим, қучоғингизда
 Эркаланиб ётмоқчи бўлдим.

СҮЗ ЯХШИ

Ушламадим бир бора
 Мен ёримнинг қўлини,
 Энди эса у гўзал
 Кимларнингдир келини.

Софиниб кўчасидан
 Ҳар куни ўтгим келар,
 Кўнглим эса узилмас
 Бир кўриб кетгим келар.

Ишқ дардига даво йўқ
 Дейдиларки одамлар,
 Кўз ўнгимдан кетмайди
 Ўша майда қадамлар.

Эй гўзалим, мен учун
 Баҳор ёлғон, куз яхши
 Ҳеч нарса керак эмас
 Бўлса ширин сўз яхши.

ИККИ ҚИЗ

Сой бўйида дўстлар ҳар куни
 Бирга келар бўлди икки қиз,
 Кўлларида ушлаб челягин
 Сувга келар бўлди икки қиз.

Хаёлимни олди икки қиз,
 Юрагимда қолди икки қиз.
 Менинг дардим сиз тушунмайсиз,
 Нима қилса қилди икки қиз.

Бу қизларнинг ёши ўн олти,
 Ўн еттими ёки ўн саккиз.
 Энди эса менга фарқи йўқ,
 Ёқиб қолди ўша икки қиз.

Шавкат, севгим изҳор айлайман,
 Қай бирига, аммо билмайман,
 Бир-биридан гүзал шахло кўз,
 Кўз ўнгимда ўша икки қиз.

Хаёлимни олди икки қиз,
 Юрагимда қолди икки қиз.
 Менинг дардим сиз тушунмайсиз,
 Нима қилса қилди икки қиз.

ЭСЛАДИМ

Бугун тонгда ногаҳон
 Яна сени эсладим,
 Согиниб ўша дамни
 Саҳар туриб бўзладим

Осмонга боқсам агар
 Ойда сени кўраман,
 Тушларимда мен ўша
 Сойда сени кўраман

Ёрим ўшанда сени
 Чин кўнгилдан севганман,
 Шунча гўзал қизлардан
 Фақат сени деганман

Мени баҳтсиз қилсангда
 Баҳтли бўлгин, ёрим сен,
 Вужудимда, барибир,
 Оқаётган қоним сен.

БИР КЕЛСА

Нима қиласар, дүстларим,
Шу қизгина бир келса,
Айтармидим сұзларим
Шу қизгина бир келса.

Қиё боқиб ёр қулса,
Дардимга малҳам бўлса,
Чамансиз саҳро гўзал
Шу қизгина бир келса.

Борар бўлсам у кутса,
Номимга мактуб битса.
Дунё билан ишим йўқ,
Шу қизгина бир келса.

Шавкат, ойни қўзлама,
Қўлинг етмай бўзлама.
Рад жавобин оласан
Шу қизгина бир келса.

БЎЛИШИНГ КЕРАК

Билиб, балки билмай юрсанг ҳам,
Сен меники бўлишинг керак.
Кўзга ёки илмай юрсанг ҳам,
Сен меники бўлишинг керак.

Шамол тўсса юрар йўлимни,
Хазон урса боғда гулимни,
Гар сув босса ҳатто чўлимни,
Сен меники бўлишинг керак.

Тонг отади, ботар қуёшим,
Оқар бўлса кўздаги ёшим.
Кўтарилмай қолса ҳам бошим,
Сен меники бўлишинг керак.

Оғиздан гар келса ҳам сұлак,
Мадорсиздек толганда билак.
Урмай қолса ҳаттоқи юрак,
Сен меники бўлишинг керак.

Куним битиб, тўлса паймоним,
Жаннатларга руҳим равоним.
Келса ҳамки охир замоним,
Сен меники бўлишинг керак.


ХАФА БЎЛМА

Гўзал ҳуснингга тўймай
Боқсан гар хафа бўлма,
Кўз ёшим дарёсиға
Оқсан гар хафа бўлма.

Пояндозман йўлингга,
Ошиқ бўлдим бўйингга,
Софиниб мен уйингга
Борсан гар хафа бўлма.

Юрагим ғамга ботар,
Кўнглим ёнингга тортар,
Афсус сенсиз тонг отар,
Сўйласам хафа бўлма.

Бу дунёдир бевафо,
Кўрмаган борми жафо,
Қилмас бўлсанг сен вафо,
Куйласам хафа бўлма.



ҚАРМИКАН

Сурма қўйиб шаҳло кўзлар
 Менга қиё боқармикан,
 Ой шуласин сочса, дўстлар,
 Юрагимга ёқармикан.

Гўзал ёрим, сарвинозим,
 Эшитгайми чертсам созим,
 Баҳор ўтиб келса ёзим,
 Қишим эсга олармикан.

Куласа гар тоғда тошлар,
 Оёқ ости бўлса бошлар,
 Селдек оқса кўздан ёшлар,
 Бир бор раҳм қиласмикан.

Оппоқ либос кияр бўлса,
 Ўзга ёрни суяр бўлса,
 Шавкат ғамда қуяр бўлса,
 Яна ўтда ёқармикан.

АРМОНЛИ ДАМЛАР

Биз ҳам анҳор бўйида
 Қўл ушлашиб юрганмиз,
 Кечалари тонггача
 Бирга хаёл сурганмиз.

Гулзорларни оралаб
 Қувлашмачоқ ўйнардик,
 Бир-биrimизга боқиб
 Сира-сира тўймасдик.

Юлдузларни санашиб
 Тонгларни отдирганмиз,
 Балки Лайли-Мажнунни
 Ортда ҳам қолдирганмиз.

Үша тонгда булбуллар
Бизга атаб куйлашди,
Узун-узун орзулар
Осмон билан бўйлашди.

Тушимдамас ўнгимда
Сочларин силаганман,
Ой қаби гўзал юзин
Қуёшдан қизғанганман.

Афсус, гўзал баҳорим
Бугун қишига айланди,
Севгилим, ўша дамлар
Наҳот тушга айланди.

Бевафо ёримни деб
Эссиз ёнганим қолди,
Юрагимдан бир умр
Шеърият ўрин олди.

Не қилай, дўстлар, бугун
Юракда кўп аламим,
Яна сизга не дейин
Ишонганим-қаламим.

ЁТ БЎЛДИ

Севги шаробидан дилим маст бўлди,
Юрган йўлим гоҳо баланд-паст бўлди,
Дўстлар қолиб бугун душманим кулди,
Ёр деб ишонганим энди ёт бўлди.

Не қилай, қанчалар согиниб қутдим,
Хар куни эшигинг ёнидан ўтдим,
Неча бор номингга мактублар битдим,
Ёр деб ишонганим энди ёт бўлди.

Билмадим севгими армон ё ҳавас,
 Юракдан фақат сен жой олдинг холос,
 Гўзалим, дардимни эшитгин бир оз,
 Ёр деб ишонганим энди ёт бўлди.

ҚАЙГА БОРАМАН

Мен сенга дер эдим сени оламан,
 Сен айтардинг ҳали мен ёш боламан,
 Бўлган ишга энди ҳайрон қоламан,
 Ёrim, сени ҳар куни соғинаман.

Айтаверсам бу дардимнинг чеки йўқ,
 Ишонибман сенга яна кўнглим тўқ,
 Сен кетдинггу юрагимга ботди ўқ,
 Айт-чи, ёrim, сенсиз қайга бораман.

Эсингдами учрашувга борардим,
 Ҳаё қилиб мендан нари борардинг,
 Нозланиб сен секин қиё боқардинг,
 Бу дамларни, айт, қандай унутаман.

Анҳорларнинг бўйига ёлғиз бориб,
 Узоқ хаёлларга ботиб қолама.
 Фақат зилол сувга кўнглимни ёриб,
 Руҳан сен томонга учиб бораман.

АЛИШЕР

Орамиздан эрта кетган дўстим Алишернинг хотирасига

Баҳор ўтди, ёз ўтди,
Сен қайтмадинг, Алишер,
Шунча дардинг бор экан
Сўз айтмадинг, Алишер.

Айтар бўлсанг сўзларинг
Меҳмонга уй тор эди,
Қанча-қанча дўстларинг
Суҳбатингга зор эди.

Айбдордай уйингга
Боролмадик одамдай,
Фарзандларинг ҳолини
Суролмадик одамдай.

Хаёлимда Назокат
Бизни кўрса қон бўлар,
Бу ҳаётда ўзича
Тирикларга сон бўлар.

Кўз тегмасин қизингга
Барчинойдай бўлибди,
Акмалжонинг ўрнингда
Лочиндайин юрибди.

Кунлар ўтди, тонг отди,
Сен кайтмадинг, Алишер,
Шунча дардинг бор экан
Сўз айтмадинг, Алишер.

СИЗДАЙ БҮЛЛОЛМАЙДИ

*Баҳовуддин қабристонига шарқона услубда дарвоза
кўйишди. Бу савоб иш Раим Қаюмов томонидан
амалга оширилди*

Раим ака савоб ишни қилар бўлди,
Мухтожларни кўрса бошин силар бўлди,
Ойтош опа билан даврон сурар бўлди,
Одамлар бор, лекин сиздай бўлолмайди,
Савоб ишни ҳар инсон ҳам қилолмайди.

Омадингиз тижоратда синадингиз,
Қанча заҳмат чексангиз-да чидадингиз,
Бахтингизни меҳнатингиздан топдингиз,
Одамлар, бор лекин сиздай бўлолмайди,
Савоб ишни ҳар инсон ҳам қилолмайди.

Баъзилар бор, жигилдонни очар бўлди,
Йўқдан олиб доим борга сочар бўлди,
Мазлум кўрса ортга қараб қочар бўлди,
Одамлар бор, лекин сиздай бўлолмайди,
Савоб ишни ҳар инсон ҳам қилолмайди.

Баъзиларнинг қўша-қўша давлати бор,
Бирор билар бирор билмас савлати бор,
Қанча бўлса ҳамки дўстлар бир ўзи бор,
Одамлар бор, лекин сиздай бўлолмайди,
Савоб ишни ҳар инсон ҳам қилолмайди.

ҚИЗҒАЛДОГИМ

Қизғалдоғим, келиб ёнингга
Чүкка тушиб хаёллар сурдим,
Ловуллаган юзингдан сенинг
Оlam-олам қувончни күрдим.

Қизғалдоғим, бүйингни энди
Бүйим билан бүйламайсанми,
Менинг учун, жоним, бир бора
Құшиғингни қуйламайсанми.

Қизғалдоғим, умринг неча кун
Билмаганинг сабаб яйрайсан,
Шунинг учун балки ҳолимга
Ачинарли ҳолда қарайсан.

БҮЛГАНДА

Сенинг қадрингни мен кеч билдим, жоним,
Умримнинг анчаси ўтиб бүлганда.
Хатоларим энди ювгайми қоним,
Орзуларни армон ютиб бүлганда.

Күнгил истар, аммо бораолмайман,
Хатто ҳолингни ҳам сўраолмайман.
Сенсиз бу оламни кўраолмайман
Омад бизларни тарқ этиб бүлганда.

Балки бу дунёда омадим чопмас,
Хеч бир гўзал менга сен каби ёқмас,
Юрак йиғласа-да кўз ёшим оқмас,
Бахти дамларимиз кетиб бўлганда

Шавкат, ёниб қуйма, фойдаси бўлмас,
Муҳаббатдан, ишқдан ҳеч кимса ўлмас.
Яратган хоҳиши ўзгалар билмас,
Тақдирга азалдан битиб бўлганда.

ШАХМАТ ЎЙНА

Шахмат ўйна, шошмагин,
Ҳеч ҳаддингдан ошмагин.
Рақибингни ҳурмат қил,
Ютқазсанг ўзингдан бил.

Менингку йўқ омадим,
Қаерларда қолмадим.
Юришимдан шошаман,
Ҳам ҳаддимдан ошаман.

Кеча яхши ўйнадим,
Бори йўқ олти қолдим.
Мен ҳам ютсам бўларди,
Ҳурмат қайга қоларди.

Ўн йил бўлди ўйнайман,
Ютуқ нима билмайман.
Ҳужумим яхши, бироқ,
Ҳимоям-чи чатоқроқ.

Пиёдамнинг изидан
Отларимни сакратдим,
Кўп қурбонлар бой беридим
Рақибни довдиратдим.

Бу ҳужум эвазига
Осмонимга ой бердим,
Ойдай бўлган отимни
Байталига бой бердим.

Ниҳоят топширсамми
Ё мўъжиза кутсамми,
Мотдан умид бормикан,
Потдан умид бормикан.

Вазиятим ёмондир,
Аҳволим эса тангдир,
Энди охирги чора
У ҳам бўлса фирромдир.

Куч билан ютолмадинг,
Хатомдан фойдаландинг,
Сўнг жанжални бошладим,
Рақиб кўнглин ғашладим.

Атрофимга қарасам,
Мухлисларим кўп эди,
Ахир, мен нима қиласай,
Бошқа чорам йўқ эди.

Шахматни бузиб ташлаб,
Мот бўлдинг деб бақирдим.
Билмаганлар ютди деб,
Билган эсин ебди дер.

Аму-зангнинг суви ҳам
Бир кун тиниқ оқади,
Шунда, дўстим, мен томон
Омад кулиб боқади.

ЎЗБЕКНИНГ АЁЛИ

Сунбул соч, қирқ кокил, тим қора кўзлар,
 Ўзбекнинг аёли, ўзбек аёли.
 Хаёли иболи, ноз ила сўзлар
 Ўзбекнинг аёли, ўзбек аёли.

Уни кўрсанг эди баҳор келганда,
 Эгнига атласдан либос кийганда,
 Олам яшнаб кетар бир бор кулганда,
 Ўзбекнинг аёли, ўзбек аёли.

Кечаси ухламай аллалар айтган,
 Бешикка суяниб ҳайкалдай қотган,
 Рўзғор ташвишидан қачон тинч ётган,
 Ўзбекнинг аёли, ўзбек аёли.

Кўнгли нима истар, сўраб билдингми,
 Эй номард, қўлига бир гул бердингми,
 Фариштаку ахир, сен ҳам қўрдингми,
 Ўзбекнинг аёли, ўзбек аёли.

Сизларсиз бизларга дунё не керак,
 Сахрова бўлгандек мевасиз терак.
 Сизни деб урмаса тўхтасин юрак,
 Ўзбекнинг аёли, ўзбек аёли.

Шавкат, сўроғингга жавоб ўшалар,
 Хокини кўзга сурт, савоб ўшалар,
 Жаннатнинг хури ҳам, ё раб, ўшалар,
 Ўзбекнинг аёли, ўзбек аёли.

ҮТАР

Эй дүстларим, бу дунёда
Не бир-не бир замон ўтар,
Ким отлигу ким пиёда
Яхши ила ёмон ўтар.

Кимлар юрар күкрак кериб,
Ким ризқин ҳалол териб,
Мардлар юрга қалқон туриб,
Номард фақат сонда ўтар.

Хизмат бўлса ортга қочиб,
Тилдан яхши-ёмон сочиб,
Тайёр ошга тўрга кўчиб
Сохта дўст ҳам ёнда ўтар.

Ой юзли ойнага қараб,
Парилардай сочин тараб,
На унга на бунга яраб
Шундай гўзал ёлғиз ўтар.

Таом бўлса юз ўгирмай
Ҳаром-ҳариш фарқин билмай,
Нажосат еб оғиз ювмай,
Минг йил яшаб қарға ўтар

Ҳадис айтар агар билсанг,
Жаннатда сен амал қилсанг
Қилган ишин ўзин кўрсанг,
Иккиланмай дўзах ўтар.

Қаранг шундай инсон кўрдим,
Ёқа ушлаб тавба қилдим,
Таҳорат йўқ, аниқ билдим,
Намоз вақти имом ўтар.

Үз-үзимга савол бердим,
Бу дунёда нима қилдим,
Фақат шунга амин бўлдим,
Бунда аҳмоқ бегам ўтар.

Жойнамозга кўйиб бошинг,
Шавкат, саҳар оқиз ёшинг,
Сарҳисоб қил қилган ишинг,
Йўқса умринг бекор ўтар.

ДАРВЕШОНА ҚИЛАЙЛИК

Айтсам адo бўлmas cўnгилда сўзлар,
Келинг, дарвешона қилайлик, дўстлар.
Охиратни деган савобни кўзлар,
Келинг, дарвешона қилайлик, дўстлар.

Ўнг қўл билан узат, чапинг билмасин,
Мусулмон бандаси фийбат қилмасин,
Мардлар номардларга муҳтоj бўлмасин,
Келинг, дарвешона қилайлик, дўстлар.

Деҳқонга ризқ берсин, барака берсин,
Фалокат йўқолсин, ҳосил мўл бўлсин,
Ёмонлик ўрнини яхшилик олсин,
Келинг, дарвешона қилайлик, дўстлар

БЕВАФО ДУНЁ

Бу дунё мен учун алдамчи дунё,
 Бу дунё мен учун ёлғончи дунё,
 Билмадим кимларга вафо килгандир,
 Бу дунё мен учун бевафо дунё.

Күзим юмсам, тушимга сен кирасан,
 Қалбим ўртаб юракка ўт соласан,
 Күз очиб құрганим, армоним ўзинг,
 Билмам, яна қачон қайтиб келасан.

Ҳаётда нималар бўлиб ўтмади,
 Бу дунёга кимлар келиб кетмади,
 Жаҳонга танилган Навоий бобом,
 Висол онларига у ҳам етмади.

Не қиласай ҳаётнинг жумбоқлари кўп,
 Не қиласай йўлларнинг сиртмоқлари кўп,
 Кундузим, юлдузим, ёрим сен ўзинг,
 Сен ойсан атрофда юлдузларинг кўп.

ҚОЧА БОШЛАЙДИ

Шундай замон келар, эй аҳли инсон,
 Отадан болалар қоча бошлайди,
 Бойликка ҳирс қўйиб кетади имон,
 Ҳаттоқи онасин қўзин ёшлайди

Соқоли селкиллаб саксон ёшида,
 Алифбедан ҳануз "А"ни билмайди,
 Бир оёғи энди гўрнинг бошида
 Савобдан гапирсанг жини суймайди.

Дўстлар, келар эмиш ҳали бир замон,
 Эркаклар киймин аёл кияди.
 Тавба қилдим қўзим кўрмасин ёмон,
 Оғалар бир-бирин қўзин ўяди.

Ёлғон эгаллайди ростгўйларни сен,
 Билмадим нечоғлик излаб топарсан.
 Балки, замонамиз талаби шу деб,
 Кўлга курол олиб мени отарсан.

ОНАЖОН

Үша оқшом менга қора тун бўлди,
 Орзуларим энди армонга тўлди,
 Она сиздан нохуш бир хабар келди,
 Қани энди ёлғон бўлса, онажон,
 Ажал тўлмай қолган бўлса, онажон.

Сафар чиқсам қўлларингиз дуода,
 Меҳрингиз ҳам бизга энди зиёда,
 Қабрингизга бориб энди пиёда,
 Сизга атаб шеърлар тўқий, онажон,
 Руҳингизга қуръон ўқий, онажон.

Она десам эзилади юрагим,
 Она десам қақшаб кетар суюгим,
 Сиз эдингиз асли менинг керагим,
 Гафлатда биз қолдик хайр онажон,
 Жаннатда сиз қилинг сайд, онажон.

Олти ўғил, иккигина қизингиз,
 Ўпид йиғлар босиб кетган изингиз,
 Унутмаймиз, она, берган тузингиз,
 Бизлардан сиз рози бўлинг, онажон,
 Ҳурлар билан бирга юринг, онажон.

СЕН ҚАЙДАСАН

Баҳор ўтиб, етиб келди куз,
 Сен қайдасан, мен ёқтирган қиз.
 Айтилмасдан қолди қанча сўз,
 Сен қайдасан, мен ёқтирган қиз.

Умр ўтар мисоли карвон,
 Сенинг васлинг юракда армон.
 Ўзинг эдинг дардимга дармон,
 Сен қайдасан, мен ёқтирган қиз.

Саволим бор, тўхта эй жанон,
 Сен парисан, мен эса нодон.
 Бир сўз айтай, кулсанг ҳам хандон,
 Сен қайдасан, мен ёқтирган қиз.

Шавкат ошиқ, ойни суйдингми,
 Ишқ дардидা танҳо куйдингми,
 Бу ҳаётдан энди туйдингми,
 Сен қайдасан, мен ёқтирган қиз.

ҚУРИСИН

Юзингга ирғитар йиртиқ ковушин,
Камбағал эшитса бойлик товушин.
Хасад қилманг, майли, йўқда ҳам бўлсин,
Кўрмаганни ё кўргани курсин.

Бир мазлум йўлиқса қўринмай қочар,
Йўқдан олиб доим у борга сочар.
Хароми кazzобга дастурхон очар,
Кўрмаганни ё кўргани курсин.

Борсанг гар уйига тўқсон ясавул,
Тўй қилса қозонига ўзи бакавул.
Бермоқмас, олмоқни ўйлайди нукул,
Кўрмаганни ё кўргани курсин.

Шавкат, ҳар инсонга ҳалолдан берсин,
Меҳнат қилган банда роҳатин кўрсин.
Яхшиларнинг доим омади кулсин,
Кўрмаганни ё кўргани курсин.

МАКТАБИМ

Гўзал мактаб бағрингга
Қани, олсанг кайтадан,
Йиллар ўтган сари мен
Софинганим айтаман.

Қалам ушлаб қўлимиз
Ёзолмасдан турарди,
Ҳаяжондан юраклар
Тўлқинланиб уради.

ОРЗУЛАР ОҒУШИДА

Бутун оламни кездик,
Бахтли инсон йүқ эди
Билсанг ўшанда биздек.

Эҳ мактабим, қанчалар
Софинганим билмайсан,
Эртаклардай бошдан сен
Афсус қайтиб келмайсан.

КУТАРМИКАН

Құлим узатсам сойга
Етармикан, дүстларим
Күнгил берибман ойга
Кутармикин, дүстларим

Қалбим сирини билмай
Холимга парво қилмай
Ёнимга бир бор келмай
Кетармикан дүстларим

Үйқум келмаса ётиб
Орзуга қолдим ботиб
Ёрсиз тонгларим отиб
Үтармикан дүстларим

Тарк этсам ёна-ёна
Келмасам қайтиб яна
Менга ҳам бирор нома
Битармикан дүстларим

ЗАРИФА

Шаҳло кўзлар кўп аммо
 Менга ёқар Зарифа,
 Бунга гувоҳдир само
 Зимдан боқар Зарифа.

Тунда ёруғ юлдузим,
 Сенга бор айтар сўзим.
 Жабр тортган бир ўзим
 Кел ёнимга, Зарифа

Сенсиз бўлмас баҳорим,
 Сувга тўлмас анҳорим,
 Ўзингсан йўқу борим,
 Мен борингман, Зарифа.

Шавкат ҳушига келмас,
 Кимса сирини билмас,
 Жамолингга ҳеч тўймас,
 Беморингман, Зарифа.

Қошлари ёй Зарифа,
 Чиройга бой Зарифа,
 Кел ёнимга, нозланма,
 Юзлари ой Зарифа

УКАМ

Сухандон Тоҳир укамизнинг хотирасига

Мени оғир дардга ташлаган укам,
 Ҳаёт гирдобига бошлаган укам,
 Бемаҳал кўзимни ёшлаган укам,
 Нима қилиб қўйдинг, эй моҳир укам,
 Ўттиз баҳор кўрган жон Тоҳир укам.

Овози юракни ларзага солган,
 Тўйларда халқимнинг кўнглини олган,
 Ўзидан биргина ёдгорлик қолган,
 Нима қилиб қўйдинг, эй моҳир укам,
 Ўттиз баҳор кўрган жон Тоҳир укам.

Дардингни айтмадинг, ичга ютдингми,
 Бевафо дунёдан шошиб ўтдингми,
 Муроджон тўйини кўрмай кетдингми,
 Нима қилиб қўйдинг, эй моҳир укам,
 Ўттиз баҳор кўрган жон Тоҳир укам.

Боғда гуллар эрта сўлмасин экан,
 Душманларинг сиринг билмасин экан,
 Гўдакнинг дадаси ўлмасин экан,
 Нима қилиб қўйдинг, эй моҳир укам,
 Ўттиз баҳор кўрган жон Тоҳир укам.

Ортимдан юарардинг ҳамон эслайман,
 Сирдошим сиримни кимга сўзлайман,
 Юрган кўчаларинг қўриб бўзлайман,
 Нима қилиб қўйдинг, эй моҳир укам,
 Ўттиз баҳор кўрган жон Тоҳир укам.

Чүккіларга тирмашаман қоям йүқ,
 Йұлым узоқ пиёдаман, биям йүқ,
 Тирикларга сонман фақат соям йүқ,
 Нима қилиб құйдинг, эй моҳир укам,
 Ыттиз баҳор күрган жон Тоҳир укам.

Сен кетдинг күзимда аччиқ ёш қолди,
 Нарзулла ўрнида жонли тош қолди,
 Энди ёрилмаган фақат бош қолди,
 Нима қилиб құйдинг, эй моҳир укам
 Ыттиз баҳор күрган жон Тоҳир укам.

ТҮРТЛИКЛАР

Бу күхна дунёда ростгүй кам қолди,
 Фийбатлар ўчоги аланга олди,
 Келиб кетишингдан ҳеч бир маъно йўқ,
 Яхшилар ошига ёмон кўл солди.

* * *

Эй нокас, шошилма, қайга чопасан,
 Ҳаром йўллар билан бойлик топасан
 Сенинг манзилинг ҳам жуда яқиндур,
 Ўйлаб кўр қабрда қандай ётасан.

* * *

Ўзгага яхшилик тиласанг инсон,
 Ўзинг ҳам яхшилик топасан, инон.
 Яхшининг охири яхши бўлади,
 Бу сўзни мен эмас айтгандир Куръон.

* * *

Яхшилик уруғин яхши танлагин,
 Яхшилар сўзини доим англагин.
 Кимки нима экса шуни, ўради,
 Яхиси ўйлаб кўр, доғда қолмагин.

* * *

Мансабга ўтиrsa битта зоти паст,
 Унга сиз ҳеч қачон қилмангиз ҳавас.
 Манзили яқиндир узоқ боролмас,
 Бир кун келиб ўрни бўлади қафас.

* * *

Йигитлик даврида белин боғлабди,
 Савоб ишлар қолиб майни сайлабди.
 Кексайиб манзили яқин қолганда,
 Куръонни куй қилиб қойил айлабди.

* * *

Ёмонни ёнингга йўлатма ҳаргиз,
Тили билан ошинг заҳар қиласи.
Маломат тошини ёғдирап сўзсиз,
Магарким қоматинг гулдай сўлади.

* * *

Эй аҳмоқ, ҳар жойда юрсанг гар саёқ,
Бойлик илинжида тинмаса оёқ.
Молинг ҳам жонингга оро киролмас,
Бошингга тушган сўнг яхши бир таёқ.

* * *

Саёҳат истадим, дунёни кездим,
Хорижда кемаю қайиқда суздим.
Ҳеч миллат ўзбекдай бўлолмас мезбон,
Менга чой келтиринг, баридан бездим.

* * *

Замона зайдига боқа олмадим,
Сув эдим анҳорда оқа олмадим.
Кимлар нима қилса қилдилар аммо,
Мен эса ёлғонга ёқа олмадим.

Шукур қил, ўтган ҳар онинг яхшидир,
Ватан деб тўқилса қонинг яхшидир,
Ўзга юртда асал новвотингдан ҳам,
Ўз юртингда парча нонинг яхшидир.

* * *

Боримни бир пулга сотмоқ истадим,
Лаззатли онларни тотмоқ истадим,
Қошидан ёй ясад, киприқдан камон,
Ул ёрнинг қалбига отмоқ истадим.

* * *

Махтумқули, ором яшамадинг сен,
Бахтинг учун ёлғон тўшамадинг сен,
Сенга ахир имкон берди шоҳ Фаттоҳ
Бу борада унга ўхшамадинг сен.



* * *

Сассиқпопишаклар эса тўймади,
Булбулни чаманга сира қўймади.
Нима ҳам дер эдинг, бошида тожи
Ўзгага йўл бўлсин, ўшалар ҳожи.

* * *

Юлдузли осмонга термулсаммикан,
Озғинлик қийнади семирсаммикан,
Баъзиларга ўхшаб бугунни уйлаб,
Ёлғонни сув қилиб симирсаммикан.

* * *

Баҳор турган жойда қишини сўймайсан,
Булоқ сувларидан қониб тўймайсан,
Сенга не ёмонлик қилдим, эй кўппак.
Ўтган-қайтганимда ҳуриб қўймайсан.

* * *

Қанчалар ёкимли бўлса ҳам шеъринг,
Эшишак англамайди, сиз шуни билинг,
Унга ағанамоққа тупроқ кул бўлса,
Шунда юзидағи қувончни кўринг.

* * *

Бу замон бизларни ўйинчоқ билди,
Ҳайҳот устимиздан негадир кулди,
Қаранг ҳалол хизматкор гўё айбор,
Фоҳишанинг тили бир қулоч бўлди.

* * *

Омадлининг қайга борса оши ёғлидир,
Бордан олиб йўқга берган марднинг ўғлидир
Эркаклар бор, ҳайбатини кўрган қўрқади.
Аслида бир жонли суръат хотин қулидир

* * *

Келибсан, кетишга навбат кутасан,
Яхими-ёмонми бир кун ўтасан.
Иложинг йўқ, инсон, ҳолинг шу экан,
Нега ўйламайсан тоғни ютасан.

ЭНДИ

Юрак дардларимни, құшиғим, сенга,
Ёрилиб ўлмасдан айтайин энди.
Күшни қишлоқдаги оддий қиз менга
Паридек күрінса қайтайин энди.

Бир боқса берардим истаса борим,
Дилда қолиб кетди барча изҳорим.
Тоғлар қулар бұлды әшитиб зорим,
Умидим сұлмоқда нетайин энди.

Не қилай суяндим фақат сабрга,
Тақдирмикан балки бўлмадик бирга.
Кўнгил қўйманг экан у қалби кўрга,
Тонггача келмади, кетайин энди.

Баҳор келса йўқдир у сиз ифори,
Шунчалар гўзлки не бўлса бори.
Билолмадим, айтинг, ким ўзи ёри,
Номига достонлар битайин энди.

ЁЛГОНЧИ ДУНЁ

Сенинг дастингдан дод, бевафо, дунё,
 Мудом кўрсатдингку кўп жафо, дунё,
 Келганга қилмассан ҳеч вафо, дунё,
 Бевағт қўшилибман сонингга, дунё,
 Ёлғончи дунёсан, ёлғончи дунё.

Баҳоринг ўтмасдан гуллар килм тўқилди,
 Ҳақиқат деганинг доим букилди,
 Нодонни суядинг, доно йиқилди,
 Чорладинг миннатли нонингга, дунё,
 Ёлғончи дунёсан, ёлғончи дунё.

Қуёшинг ботмасдан ойинг кўринди,
 Ана у жилғами, сойинг кўринди,
 Йўқлардан беш баттар бойинг кўринди,
 Ишонмам энди ҳар онингга, дунё,
 Ёлғончи дунёсан, ёлғончи дунё.

Айтсам гар сийналар тўлди сўзлардан,
 Ёшлар оқар бўлди ғамгин кўзлардан,
 Розимиз сўрамай ҳеч бир бизлардан,
 Кимларни тортмадинг домингга, дунё,
 Ёлғончи дунёсан, ёлғончи дунё.

Бир эрни эплолмай юз эркакга бош,
 Дуч келса сукланиб ўйнатади қош,
 Аёл эмасдур у бир ялтироқ тош,
 Ташна қилдинку сен қонингга, дунё,
 Ёлғончи дунёсан, ёлғончи дунё.

Кўрларга ушлатиб ҳасса таёқни,
 Чиройли тасвирлаб ёлғон бүёқни,
 Ошиғи олчидир суюқоёқни,
 Ўтлар тушсин хонумонингга, дунё,
 Алдамчи дунёсан, алдамчи дунё.

КЕРАКМАС

Тун мен учун керакмас,
Қайғу, ҳасрат, надомат.
Үйку қочар қасдма қасд,
Йүқ экан бир адолат.

Ёстиқ бұлди якка дұстим,
Суянчигим, сирдошим.
Нам бўлганда икки кўзим,
Удир артгувчи ёшим.

Ўлсам агар ўлимимни
Жудоликка йўймайман,
Лекин азиз суюгимни
Ёстиғимни қиймайман.

Биродарлар, қабрга ҳам
Ёстиқ билан қўйингиз,
Йўқса менга нимадир кам
Ё кўксимни ўйингиз.

ТУРТЛИКЛАР

Айёминг муборак, сўнмас қўёшим,
 Қалбимнинг тўридан унган гулчечак,
 Чечакни сугоргай мангу кўз ёшим,
 Бўлсин дея гўзал баҳти келинчак.

* * *

Жисмим гўё олов, юрагим ўтин,
 Фамларим машъали ўтинга учкун,
 Қуёшга талпиндим окибати шу,
 Заррадек парчалаб йўқотди бутун.

* * *

Кун келиб лаҳадга эгилса бошим,
 Ўрнингда бўлса гар кафандир сирдошим,
 Дил жаннат ҳуридан ором топарми,
 Қабримга келмасанг, эй бағри тошим.

* * *

Қалбимда ишқ гули ўсгани сари,
 Фамларим беридир, кувончим нари,
 Не чоғлик ситами дилим этса чок,
 Шунчалик хаёлим олди у pari.

* * *

Бехуда гап сотмоқ бизга шон эмас,
 Ганимнинг кувончи, қалбга жон эмас,
 Ўйласам ҳаётда энг яхши оним
 Дўстлар дийдоридан ўзга он эмас.

* * *

Ишқингда мажнунман, биларсан албат,
 Баривир унутмам сени то абад,
 Ўлмасам турарман устимни қоқиб
 Тағин йиқилмоқча хуснингга боқиб.

* * *

Тагидан сув қўйиб ишловни бердик,
 Кўкка бўйин чўзиб етилди терак,
 Сўнгра томиридан болтани урдик,
 Зора ўтинликка яраса керак.

* * *

Ўзбекнинг новвосу қўйлари бўлса
 Шунингдек узлуксиз тўйлари бўлса
 Дўстларнинг давраси яна ҳам қўркам
 Санъаткорнинг жўшқин куйлари бўлса.

* * *

Боримни бир пулга сотмоқ истадим,
 Лаззатли онларни тотмоқ истадим,
 Қошидан ёй ясад, киприкдан камон,
 Ул ёрнинг қалбига отмоқ истадим.

ҚИЛМАДИНГ

Нечун иймонимни бутун қилмадинг,
 Ахир мен ҳам эдим ўзингга банда.
 Яратдинг, кузатдинг ҳамда синадинг,
 Ёлвориб сўрайман этма шарманда.

Туну кун тугамай дунё ташвишим,
 Сезмабман бир жойга борибди ёшим.
 Мен нодон ёстиққа текканда бошим,
 Англадим юрганим фақат бир сонда.

Номига ўзимни намозхон тутиб,
 Қўлимни узатиб порани кутиб,
 Фақирлар ёнидан узоқроқ ўтиб
 Энди азобини тортмоқ ёмон-да.

Қариндош ҳолини сўраб турмадим,
 Ҳасталар ёнига ҳатто бормадим.
 Ҳақ йулида бирор савоб қилмадим,
 Ҳайронман бу одат йўқ эди конда.

Дўстингман деб мени шайтон боплади,
 Йўлдан уриб ўз сўзини оқлади.
 На ўзимни, на сиримни сақлади,
 Пайдо бўлмай ўлсин ҳар куни ёнда.

Фойдаси йўқ экан сен тўлиб-тошма,
Бу дунё омонат – ҳаддингдан ошма.
Сўрамай оларкан қарими, ёшли
Шошилгин ўқийман дема аёнда.

Аҳли уммат, келинг, дуо қилайлик,
Охират ярогин қўлга олайлик.
Улуф зот берувчи бизлар сўрайлик,
Барчага етади ахир у конда.

Яратган, инсоф бер барчага ўзинг,
Биламан хоҳласанг бир оғиз сўзинг.
Менга ҳам раво кўр ул ёруг юзинг,
Кам қилма, Оллохим икки жаҳонда.

КЕЛИН КЕЛГУНЧА

Аҳил эдик, иноқ эдик биз
Хонадонга келин келгунча,
Маҳаллага ўрнак эдик биз
Хонадонга келин келгунча.

Укамсиз мен юролмас эдим,
Сафар кетсам туролмас эдим,
Акамга тик қаролмас эдим
Хонадонга келин келгунча.

Сиримизни айтиш йўқ эди,
Аҳдимиздан қайтиш йўқ эди,
Гап тошувчи бойқуш йўқ эди
Хонадонга келин келгунча.

Онам дерди ҳалол топгин ош,
Хизмат бўлса товламагин бош.
Кўрмаганимиз қўзларида ёш
Хонадонга келин келгунча.

Отам оқил бұл деб айтарди,
Насиҳатни тақрор қайтарди.
Үғилларин мақтаб ўтарди
Хонадонга келин келгунча.

Овсиналар бўлишиб жам,
Айиришди бизни тез шунча.
Олти ўғил бирдамлиги ҳам
Хонадонга келин келгунча.

ҚИЗ ТОПГУНЧА

Она сутим оғзимдан келди
Мен ўғлимга то қиз топгунча,
Дўсти душман устимдан қулди
Мен ўғлимга то қиз топгунча.

У танлаган менга ёқмади,
Омад сира кулиб боқмади,
Қанча-қанча сувлар оқмади,
Мен ўғлимга то қиз топгунча.

Қаст қилганлар паст бўлсин дедим,
Жиловланган ас бўлсин дедим,
Келин-куёв мос бўлсин дедим,
Мен ўғлимга то қиз топгунча.

Кесилмаган узун соч бўлса,
Майка-шиммас хонатлас кийса,
Суюнчи бор, айтинг, ким билса,
Мен ўғлимга то қиз топгунча.

Тайёрласа лазатли овқат,
Десанг ота-онангга раҳмат,
Ато қилсин дуо қил, Шавкат,
Мен ўғлимга то қиз топгунча.

тушди

Ҳаёт мени чорлаганди ўлишга,
Тақдирнинг тўқмоғи бошимга тушди.
Қанчалик уринмай парҳез қилишга
Даҳри дуннинг гарди ошимга тушди.

Жилваланиб ёшлиқ ўтди ҳуснкор
Юрагим ёр васлин қўмсамай бир бор.
Энди бошга қўнган рутубатли қор
Сочни писанд қилмай қошимга тушди.

Орзуларим сароб ё бир сас бўлди,
Маломат тошлари басма-бас бўлди.
Йигламоқ мен учун ё ҳавас бўлди
Ишим такрор қўзда ёшимга тушди.

Аччиқ унларимга бериб сўроқни,
Фанимга олдириб қўлда яроқни,
Оташда ёнмаган ишқсиз юракни
Тоқقا улоқтирдим тошимга тушди.

ЭРКА ЎФИЛ

Ҳовлимнинг чеккасидан
Анор эккандим тўрт туп,
Айланай соққасидан
Роса тўйибдику хўб

Парваришлаб астойдил
Тагига сув қуярдим,
Етилишин қистаб дил
Дийдорига тўярдим.

Бу йил билдим тилини
Шу сабаб кўп меваси,
Тозаладим гулини
Осон экан шеваси.

Бир куни қүшни ўғил
 Анорларни узарди,
 Мени қўриб у савил
 Бир оз ранги бўзарди.

Уйига тез югуриб
 Отасини бошлади,
 Лабларидан тупуриб
 Кўзларини ёшлади.

Ота деди боламни
 Кўрқитибсан хўб ёмон,
 Кўзим оқу қорамни
 Кўриб қўй ранги сомон.

Эй нодон, бу ёш бола
 Энди ўн бирга тўлган,
 Кўрсанг тескари қара
 Ўгил бир шўхлик қилган.

Хуллас гапини бўлиб
 Ўзимни оқдолмадим,
 Аксига изза бўлиб
 Шаънимни сақдолмадим.

Узр энди, қўшнижон
 Жанжалга ярамайман,
 Бошқа сафар, сен ишон,
 Олса ҳам қарамайман.

Бу ҳам менга бир сабоқ
 Ҳаётдан дарс олганим,
 Қарамай кетмасданоқ
 Айбим қўриб қолганим.

ҚҮМСАШ

Хар тонгда қаршилар эди лолазор,
 Күёш уфқа чиқмай сен ҳам келардинг.
 Пойингда гулларга бермай деб озор
 Нозик қадамингни секин құярдинг.

Мен дердим бу қызға сүз отмоқ мушкул
 Теграсида қанча ошиқ парвона,
 Не фойда жонингни айламоқдан кул
 Лайлиниг уйида Мажнун ягона.

Кулсанг ўйғонғандай бүларди баҳор,
 Ҳаёдан инграрди гуллар ноласи.
 Баҳтли келинчакка айтғандай ёр-ёр,
 Шамолда ўйнарди сочинг толаси.

Кипригингга шабнам гар құнган кунда,
 Титраб артгим келар эдику ахир.
 Зарҳал тұлишган ой нурлари тунда
 Сенинг сийратларинг олдида тахир.

Балки бу ҳаётдан баҳтисан аммо,
 Умринг ўтмоқдадир гулдирос солиб,
 Менинг зорларимга йиғлагай само,
 Хаёлларим кетди тоғларда қолиб.

Задли унларимку йўлингга нисор,
 Қайтмас яратғаннинг гўзал у они.
 Саргашта орзулар эдику ғаддор,
 Наҳот бир ўзимман ҳаё қурбони.

БҮЛСИН

Боғу-баҳор дейинму,
 Тоғдарайхон дейинму,
 Зилол-зилол дейинму,
 Ё бир ҳилол дейинму,
 Бир қиз кўрдим во ажаб
 Сочлари гажак-гажак.

Боғда олма бўлади,
 Пишиб ерга қулади.
 Қиз бола ўн еттида,
 Ишқ дардини билади.
 Қиз бола, ҳо қиз бола,
 Ширин-ширин сўз бола.

Осмонда, ҳой ой булоқ,
 Шовуллаган сой булоқ.
 Гижинг-гижинг ўйнайди,
 Гуё саман той булоқ.
 Баҳор бўлсин, боф бўлсин
 Осмонўпар тоғ бўлсин.

Ўткинчи, эй шамоллар,
 Куриб кетсин ёмонлар.
 Ёшлигингда ўйнаб қол,
 Келди яхши замонлар.
 Номус бўлсин, ор бўлсин,
 Гўзал қизлар бор бўлсин.

ЗУЛФИЯ

Кўзларинг ёшланибди
Нима бўлди, Зулфия,
Тақдир сенинг устингдан
Наҳот кулди, Зулфия.

Истагим ҳолинг билмоқ,
Сенга ярашар кулмоқ.
Синглим, сени қай гумроҳ
Хафа қилди, Зулфия.

Ой деса ой юзинг бор,
Чарақлаган қўзинг бор,
Айтолмаган сўзинг бор,
Юрак билди, Зулфия.

Номардлар қилмишидан
Ор қилмайди, Зулфия,
Мард эркак ўз ёрини
Хор қилмайди, Зулфия.

КЕТМАГИН

Кўзларимни ёшга тўлдириб,
Болалигим, ташлаб кетмагин.
Бошга оппоқ қиров ёғдириб,
Болалигим, ташлаб кетмагин.

Нима десанг дегин ўксинмам,
Қўлингни ол менинг қўксимдан.
Айириб сен ёшлик дўстимдан,
Болалигим, ташлаб кетмагин.

Сенсиз менга кечалар узун,
Ажин босар тарқ этсанг юзим.
Ўтинаман эшит бир сўзим,
Болалигим, ташлаб кетмагин.

Яңиб олмай бүйраларимни,
Тирнамагин тийраларимни.
Хазон қоплаб теграларимни,
Болалигим, ташлаб кетмагин.

КЕЛА ҚОЛ

Хүснда тенгги йүқ малоҳат,
Ёнимга келақол, ёнимга.
Боқишинг бу жонимга роҳат,
Ёнимга келақол, ёнимга.

Коқилинг үзингга безакми,
Ё менга кўйилган тузоқми.
Висолинг шунчалар узоқми,
Ёнимга келақол, ёнимга.

Тоғларда сайр этиб юрайлик,
Бирга гуллолар терайлик.
Ошиқлик гаштини сурайлик,
Ёнимга келақол, ёнимга.

Ой ҳам хижолатда юзингдан,
Сўзласанг бол томар сўзингдан.
Үлгунча қолмасман изингдан,
Ёнимга келакол, ёнимга.

Сенсиз дунё қаро кўринди,
Жоним, қадринг жуда билинди.
Шавкат тузофингга илинди
Ёнимга келақол, ёнимга.

БҮЛМАЙДИ

Хұтикни сен қанчалик тарбия қилма,
Әшак бүлар, аммо одам бүлмайди.
Зоти пастни сиртдан яхши деб билма,
Унинг босган изи қадам бүлмайди.

Күнглида бүлмас ҳеч зарра яхшилик,
Тегар жойга борар қилар бахшилик.
Үзга косасида күрса бир илик,
Тумшуқ суқар бунга гумон бүлмайди.

Токи аҳмок бошга тушмагунча тош,
Күзидан оқмайди зарра томчи ёш.
Ҳар банда ҳалолдан топмас экан ош,
Йўқса бу замон ҳам замон бүлмайди.

Шавкат бүлгин доим номардан узок,
Эсингдан чиқмасин бу дунё тузоқ.
Яхшилардан олар бўлсанг сен сабоқ
Шунда икки дунёнг ёмон бўлмайди.

ҚОЛМАДИ

Дардимни кимса билмади,
Яшашдан маъно қолмади.
Ёрим ёнимга келмади,
Яшашдан маъно қолмади.

Ихтиёр қўлдан йўқолди,
Бошимга ташвишлар солди.
Нозланиб жонимни олди,
Яшашдан маъно қолмади.

Гулзордан гуллар термасам,
Узатиб ёрга бермасам.
Бахтимни ундан кўрмасам,
Яшашдан маъно қолмади.

Күз ёшим дарё бўлдику,
Сабр коса ҳам тўлдику.
Баҳорсиз ёзим келдику,
Яшашдан маъно қолмади.

ДУНЁ

Келсанг ёқангдан илади
Кетгунингга қадар дунё,
Сездирмай устингдан кулади
Ҳийласи кўп алдар дунё.

Гоҳо бериб гоҳо олиб,
Бошингга ташвишлар солиб.
Ишончингга кириб қолиб,
Сўнг сени тарк этар дунё.

Иzzат қилар бормасини,
Сийлайди у билмасини.
Кўйлагингни тугмасини
Аста-секин сўтар дунё.

Мол дунём бор деб керилма,
Тўғри йўлдан ҳеч бурилма.
Бу ҳаётда сен урилма,
Барчамиздан ўтар дунё.

Йўқларидан борлари оч,
Оргтан сари у яланғоч.
Яқин борма улардан қоч
Мардларини сотар дунё.

Айланайин кундузингдан
Қуёш, ой ва юлдузингдан
Фурсат етса илдизингдан
Бил, суфуриб отар дунё.

Безамасдан арчамизни,
Тайёр қиласар дарчамизни.
Эртаю кеч барчамизни
Үз домига тортар дунё.

Аҳмоқ одам айбин билмас,
Пушаймондан фойда бүлмас.
Айтгин, Шавкат, кимлар үлмас,
Бу бошингга етар дунё.

ЧИРОЙЛИ ҚИЗ

Ёнимга келди бир қиз,
Ойми у ёки юлдуз.
Жамолига тариф йўқ,
Кечалар бўлди кундуз.

Юзлари мисли офтоб,
Онаси берган одоб.
Бунча гўзал бўлмаса
Ақлимни олдивойдод.

Дудоғида холи бор,
Лабларида боли бор.
Ҳаёли ва иболи,
Бахти бор, иқболи бор.

Сўрадим мен исмини,
Нозланиб у айтмади.
Кўнгил кўйгани борми
Аҳдидан ҳеч қайтмади.

Ой чиройли қиз,
Вой чиройли қиз,
Бундан ортиқ бўлмас
Энг чиройли қиз.

ЧИМИЛДИҚ

Чак-чаклшиб шүх янгалар толмасин,
Чимилдиққа кирмаган қиз қолмасин.
Тұйға келган қариндошлар ҳормасин,
Чимилдиққа кирмаган қиз қолмасин.

Палахмон тошидек майли отиsshин,
Тушган жойига мос бўлиб қотиsshин.
Ҳаёт синовидан тоймай ўтиsshин,
Чимилдиққа кирмаган қиз қолмасин.

Чимилдиқнинг сири, билинг, ўзгача,
Шу сабаб урф бўлиб келган бизгача.
Аҳд паймон қилишиб сўнгги сўзгача,
Чимилдиққа кирмаган қиз қолмасин.

ХУРШИДА

Кулиб турган қўзингиз,
Юзингизга мос жуда.
Сизнинг ҳар бир сўзингиз
Болдан ширин, ХУРШИДА.

На ғам бордир, на алам,
Сизла гўзал бу олам.
Таърифлашга тилим ҳам
Сўз тополмай оввора.

Сиз боғдаги баҳорсиз,
Зилол-зилол анҳорсиз.
Паймонам тўлар сизсиз
Калбимни қилманг яра.

Хуршидахон, Хуршида,
Ёқимлисиз сиз жуда.
Сиздан олган ҳур пари
Чиройини, аслида.

НИЛУФАРГА

Нилу, Нилу, ай Нилу,
 Қоши камон, ёй Нилу,
 Бир дам келгин ёнимга,
 Ором бергин жонимга.

Нилу, Нилу, ай Нилу,
 Қоши камон, ёй Нилу,
 Келмас бўлсанг ёнимга,
 Ўт қўяман жонимга.

Нозингни қайдан олдинг,
 Юрагимга ўт солдинг,
 Бу оҳу кўзларинга
 Қарамай бўлмас, Нилу.

Ишқингда гадо қилдинг,
 Йўлингда адo қилдинг,
 Соchlарингни силашга
 Кўлим етгайми, Нилу.

Ай-ай, ай Нилу,
 Юзлари ширмон Нилу,
 Ай-ай, ай Нилу,
 Соғиндим сени, Нилу.

КЕЛАДИ БИР КУН

Сочи товонига тушган демасман,
 Зулфи яногини күчган демасман.
 Мендан осонгина кечган демасман,
 Гүзалим раҳм айлаб келади бир кун.

Тоққа арзим айтиб күнглимини ёрсам,
 Бағрим совугайми зах лойга қорсам.
 Жабрини унутиб ёнига борсам,
 Ҳолимни тушуниб билади бир кун.

Чарос күзларига боқишим қўмсаб,
 Нозлари жонимга ёқишин қўмсаб,
 Чаккасига гуллар тақишим қўмсаб,
 Жилғадек ёнимга елади бир кун.

Унутиб кетолмас қишдаги қорни,
 Лолага бурканиб келган баҳорни.
 Сокин кечаларда кезган анҳорни
 Соғиниб ой каби тўлади бир кун.

Менингдек бормикан ошиқу маston,
 Шаънига бағишлиб ёзарман достон.
 Умримиз айлабон у боги бўстон,
 Барибир менга ёр бўлади бир кун.

ҚОЛМАДИ

Гүзал, күрган кунимдан бошлаб
 На оромим, сабрим қолмади.
 Йұлларингда күзларим ёшлаб
 Дилда борим, сабрим қолмади.

Чин ошиқа шунча ситамми,
 Учратганим ёки хатомми,
 Севиб қолмоқ, айтгил, мотамми,
 Эй ниғорим, сабрим қолмади.

Ошёнингда шартларинг оғир,
 Күтаролмай елкалар яғир.
 Раҳм қымыз қўлингда, ахир.
 Сарви боғим, сабрим қолмади.

Айт, не қилай, жондан кечайми,
 Ҳар тўрт тараф ёндан кечайми,
 Ёки хонимондан кечайми,
 Дијоромим сабрим қолмади.

КЕЛАРМИ

Ёрим сочин силаган шамол
 Кўнгил розин айтиб еларми,
 У фариштам, юзлари ҳилол
 Йиллар кутсам қайтиб келарми.

Дилозорни илк кўрган чоғим
 Юрагим ҳам у билан кетди,
 Ситамидан куйди димоғим
 Фарёлларим осмонга етди.

Не азобда ўтмоқда туним
 Сен баҳтиёр, сен ҳамиша шод,
 Алдовингга қолди бу куним,
 Сен ҳам мени этарсанми ёд.

Күзим ёшлаб кетишдан ўзга
 Сарвинозим чорам қолмади.
 Ишонибман бир оғиз сұзга
 Ёлғонигни юрак сезмади.

Қишдан нари ўтмаган севгим,
 Баҳоргача етмаган севгим,
 Таскин бермас қирдаги лола,
 Сочларингдек оққан шалола.

КЕЛГИН

Ҳуснда ягонам, моҳи тобоним,
 Гулларнинг раъноси боғи бўстоним.
 Аразингни қўйгин ёруғ жаҳоним,
 Мана баҳор келди бир бора келгин,
 Йўлларингда бўлдим оввора, келгин.

Нега ташлаб кетдинг, ёру жанона,
 Сенсиз кеча-кундуз нурдан бегона,
 Бир умр ёнингда бўлай парвона,
 Мана баҳор келди, бир бора келгин,
 Йўлларингда бўлдим оввора, келгин.

Наҳот унутолдинг аҳд-паймонимиз,
 Фанимлар касрига куйди жонимиз,
 Севмоқлик айб бўлса сатқа қонимиз,
 Мана баҳор келди бир бора келгин,
 Йўлларингда бўлдим оввора, келгин.

Дилимда дард тошар, сийнамда алам,
 Кўз ёшимга гувоҳ қўлдаги қалам.
 Гўзалим, дардимга ўзингсан малҳам,
 Мана баҳор келди, бир бора келгин,
 Йўлларингда бўлдим оввора, келгин.

СИНГЛИМ

Үйинқароқ, гүзал шүх синглим,
Айтгин, сени не дард қийнайди.
Күзларингдан сезди бу күнглим,
Айтгин, сени не дард қийнайди.

Бир кун унугт бўлар бу кунлар,
Бахтнинг ўзи кафтингга қўнар.
Унугт бўлар залворли тунлар,
Пешонангда иқболинг кулар.

Қир-адирдан келар совчилар,
Қўнгилларни шавққа тўлдириб.
Пойларингга фунча очилар,
Севгисини сенга билдириб.

Билсанг, недир мени ҳам қийнар,
Тонг отгунча уйкум келмайди.
Хаёлларим титкилаб ўйнар,
Кўл узатсам тутқич бермайди.

Үйинқароқ, гүзал шүх синглим,
Айтгин, сени не дард қийнайди.
Күзларингдан сезди бу күнглим,
Айтгин, сени не дард қийнайди.

БҮЛСАН

Чүмсам хаёлларга пайдо бўласан,
Сокин хилватларга чорлайсан мени.
Булбулни маст айлаб шайдо қиласан,
Кун сайин ўзингга боғлайсан мени.

Куёш тоғдан оша мўралаганда,
Капалакдек учиб кафтимга қўнсанг.
Баҳор гулларини саралаганда,
Сенинг борлиғингдан акс олган, билсанг.

Майсалар соғинди қўмсаб пойимиз,
Юргил, сайд әтайлик, юргил, малагим.
Яна чорламоқда хилват жойимиз
Наҳот бажармасанг битта тилагим.

О қандай унутай тотли дамларни,
Музлаган қалбимга илҳом баҳш этган.
Жаннатга алишмам ўша онларни,
Эҳтиросли севгинг дилга фош этган.

Минг ҳадикла олган биринчи бўсам,
Кўз ўнгимдан кетмас такрор, ошкора.
Қанийди не сабаб кетганинг билсам,
Топган бўлармидим бирор бир чора.

Наҳотки барига қўя олсанг чек,
Айбни ағдариб эски тўнимга.
Кўз ёшим оқизсанг худди дарёдек,
Лаънат дейман сени кўрган кунимга.

ОТАМДАЙ БҮЛГАН БОРМИ

Бу жумбоқли жаҳоннинг
Сирини билган борми,
Шу беш кунлик дунёда
Отамдай бўлган борми.

Мусоғир, тутинг ёдда,
Охиринг чўбин отда.
Сабр ва қаноатда
Отамдай бўлган борми.

Етим қолган, оч қолган,
Онасидан ёш қолган
Бардошу матонатда
Отамдай бўлган борми.

Елка меҳнатдан яғир,
Сўранг бутунми бағир.
Хизмату шижоатда
Отамдай бўлган борми.

Намозни канда қилмай,
Шайтон сўзига кирмай.
Иймони эътиқодда
Отамдай бўлган борми.

Осмон ерга қуласа,
Ажал бошни силаса.
Виждони фарогатда
Отамдай бўлган борми.

Оғиздан кетса забон,
Кимса қолгайми омон.
Дунё-ю охиратда
Отамдай бўлган борми.

СҮРАБ ҚҮЙГИН ҲОЛИМНИ

Бугун элимда базм,
Кириб келди наврұзим.
Эшият охирги сұзим,
Рад қилмагин зоримни
Сұраб қүйгин ҳолимни

Бир тиловчинг бўлайин,
Бахт сўровчинг бўлайин,
Ё қаровчинг бўлайин,
Рад қилмагин зоримни
Сўраб қўйгин ҳолимни.

Ўзгада йўқ бу чирой,
Юзингга ўрнашган ой.
Кипригинг отмоқقا шай,
Рад қилмагин зоримни
Сўраб қўйгин ҳолимни

Сен ўзингни билмайсан,
Ё аксингни кўрмайсан.
Қуёшдан фарқ қилмайсан,
Рад қилмагин зоримни
Сўраб қўйгин ҳолимни

Юлдуздек учиб ўтдинг,
Хаёлим кучиб ўтдинг.
Умримни кечиб ўтдинг,
Рад қилмагин зоримни.
Сўраб қўйгин ҳолимни.

ИШОНМАНГ

Арзимни айтиб зора
 Сүйдим десам ишонманг,
 Ишқида пора-пора
 Күйдим десам ишонманг.

Шайдо бўлиб борига
 Олма-ю анорига,
 Ярамай ҳеч корига
 Келдим десам ишонманг.

Кезмай ишқин тоғини,
 Сайр айламай боғини.
 Силамай яногини
 Сўлдим десам ишонманг.

Найранги кўп фалакни,
 Синдирап зўр билакни.
 Энди у тош юракни
 Билдим десам ишонманг.

Ишим тушиб золимга,
 Заҳар қўшиб болимга.
 Йиғламайин ҳолимга,
 Кулдим десам ишонманг

Олдирдим деб ошимни,
 Оқизиб кўз ёшимни.
 Оёғига бошимни
 Кўйдим десам ишонманг.

Унутолмай юzlарин,
 Икки чаррос кўzlарин,
 Босиб кетган изларин,
 Ўпдим десам ишонманг.

Халос бўлмай ҳеч гарддан,
Теграмни босган гуртдан,
Жисмим ёниб шу дарддан,
Ўлдим десам ишонманг.

КЎРИБ

Йўлларингга қарамай қўйдим,
Ўзага ёр бўлганинг кўриб.
Сен ҳақингда ўйламай қўйдим,
Ўзага ёр бўлганинг кўриб

Осмондаги ойга қадаб қўз,
Мұҳаббатдан тотдим аччиқ туз.
Ёзим келмай кириб келди куз,
Ўзага ёр бўлганинг кўриб.

Дардлашмоқقا чорлагим кимни,
Кимга бўшатурман ичимни.
Кимдан олай энди ўчимни,
Ўзага ёр бўлганинг кўриб.

Кетмоқдасан ёр-ёр ила ҳай,
Күёшимни булут тўстандай.
Багрим ёнар худди оловдай,
Ўзага ёр бўлганинг кўриб.

Кўнглим қолди баридан тўйдим,
Кўрганларим эҳ тушга йўйдим.
Севгингга ҳам келар ўт қўйдим,
Ўзага ёр бўлганинг кўриб.

Бебақодир кўнгил саройим,
Тор тобутда охири жойим.
Дейман баҳтли бўлгин илойим,
Ўзага ёр бўлганинг кўриб.

МАСТОНАГА

Мажнунтолнинг бўйида,
Не сир бордир ўйида,
Хаёли паришон қиз
Гўё кўкдаги юлдуз.

Мен ёқтирган гўшадир,
Излаганим ўшадир.
Исмин айтсам Мастона,
Сўзлари дона-дона.

Нақорат:

Мастона қиз, Мастона,
Ишқингдаман девона.
Кул бўлдим ёна-ёна,
Қачон кўрурман яна.

Муҳаббатдан сўз очдинг,
Хаёлим олиб қочдинг.
Сармаст бўлдим қўзингга,
Кўз қамашар юзингга.

Сийратинг нисор айла,
Ёрим деб мени сайла.
Хокисор бир зорингман,
Кўлдаги дуторингман.

ҮФЛИМГА ТИЛАГИМ

(Феруза опадан)

Үнта бүлса ўз ўрни бор, бил,
Қирқта бүлса қилиги аён.
Менда эса ёлғиз бир үғил,
Шу ўғлим деб яшарман ҳар он.

Мендан қолар танҳо изгинам,
Фарруҳжоним аҳдинғни берсин.
Хурдек бевақт кетди қизгинам,
Энди сенинг баҳтингни берсин.

Кечага ой, қундузга қуёш,
Хонадоним нурларга тўлди.
Үлди демам, кўзга олмам ёш,
Ана қизим ўрнига келди.

Топишибди икки соф юрак,
Узукка кўз кўйгандек гўё.
Ойижонинг билдирап тилак,
Оллоҳимдир бергувчи зиё.

у

Қанча қийнок бұлса берурман бардош,
Инжиқ табиатта қилурман тоқат.
Рұхимга далладир ұша қаламқош,
У менга яшашга күч берар фақат.

Бўронлар қутирсин, майли беомон,
Нозик бу жисмимга таъсир қилсан ҳам.
Хаёл уммонларим сузар у томон,
Гирдоб йўлиқмаса бу балолар кам.

Эҳтимол бир кичик ҳазил қилгандир,
Қисматнинг давомин кузатмоқ бўлиб.
Ўтгувчи ҳисга ҳам севдим дегандир,
Ўйнамоқ бўлгандир устимдан кулиб.

Балки йўлларимиз тушар кўп йироқ,
Балки кимларгадир бўларман кулгу.
Мен ҳам ҳеч нарсани йўқотмам бироқ,
Чунки шеърларимга илҳом берган у

ИРОДАХОНГА

Иродахон, Ирода,
Сен ҳаммадан зиёда.
Одобинг ундан яхши
Сен ягона ҳаёда.

Сен кўқдаги ё ҳилол,
Сочларинг чашма зилол.
Сендаги гўзалликни,
Таърифлашга тилим лол.

ЗЕБОГА

Парима ё, пайкарми ё,
 Бир қизни күрдим
 Сунбул сочли, мовий күзли,
 Юлдузни күрдим.

Исми Зебо, жисми Зебо,
 Борлиги Зебо.
 Күргаларим ичра ёлғиз,
 Нозанин танҳо.

ВАТАН

Буюк боболарнинг асрий орзуси,
 Истиқлол эркингга берди зўр қанот.
 Энди сен бўлгайсан жаҳон қўзгуси
 Сени чорламоқда янгича ҳаёт.

Ҳар бир сарҳадларинг кўз қорачигим,
 Уни қўриқлашдир энг олий бурчим.
 Амир Темур авлодга кўрсатган ўғит,
 Ватан хизматида доим тик тургим.

Асрларга татир оққан кўз ёшим,
 Етар ғанимларга эгилган бошим.
 Ҳалқим ишончини оқлаган инсон,
 Бизга мададкордир азиз юртбошим.

Нақорат:

Эй улуғ Ватаним, суюк Ватаним,
 Жоним сенга фидо, буюк Ватаним

БАҲОР

Бу йил қиши мавсуми узоқ чўзилди,
Дикқинафас бўлдик баҳорни кутиб.
Кўнгил ришталари бир оз узилди,
Кел гўзал, ёнимга барин унутиб.

Ниҳоят юз очди сен кутган баҳор,
Кўм-кўк майсасини пешлаб биз томон.
Ирмоқлар талашиб оқмоқда анҳор
Мангулик қудратин ҳис қилгансимон.

Лолалар куйлашиб рақсга тушар,
Қуёш нурларидан олиб созини.
Бу макон абадий жаннатга ўхшар,
Кўз-кўз қилиб қирлар айлар нозини.

Севаман қах-қаха отиб кулишинг,
Сочларинг булутдек осмонни тўssa.
Сенинг ҳам баҳордан бордир улушкинг,
Гуллар лабларингдан қўмсайди бўса.

Илтимосим мендан сўрамагин ҳеч,
Қайси фаслларни яхши кўришим.
Афсуски, баҳорим кириб келди кеч,
Саробдай туюлар сенла бўлишим.

НЕТАЙ

Бир жонона ишқида овворо бўлдим нетай,
 Кўрдиму жамолини садпора бўлдим нетай,
 Кўзимдан ёшлар оқиб фаввора бўлдим нетай,
 Чора йўқ ғамдин ўзга ғамхона бўлдим нетай,
 Дўсти душманлар аро овоза бўлдим нетай.

Белни боғлаб мардона унта етмоқ истадим,
 Дил изхоримни тўкиб хатга битмоқ истадим,
 Шамолдан рашким келиб қўлим тутмоқ истадим,
 Во дариғо келмаса заҳар ютмоқ истадим,
 Оқибат аҳволим танг ё сазо бўлдим нетай.

Йўлларин пойлай-пойлай боришга ҳам юз қолмади,
 Кўлларин бигиз қилиб қарамаган кўз қолмади,
 Ўпай десам изларин суворимдин из қолмади,
 Гулшаним офтобимга айтилмаган сўз қолмади,
 Энг сара сўзларимдин чин тоза бўлдим нетай.

Хур, пари ё моҳитобон бундан ортиқ бўлмасов,
 Санамлар ичра танҳо ўзга гулрух бўлмасов,
 Жаҳонимнинг жонига мендек тасаддуқ бўлмасов,
 Эй Шавкат, бундай жанон ҳар кимга тортиқ бўлмасов,
 Ҳарна бўлса жонимга минг бало бўлдим нетай.

МУНДАРИЖА

Аёллар	3
Шеърият	3
Шайтон турибди	4
Ким қолар?	5
Бобо дәхқоним	6
Какайдим	7
Бўлмаса	8
Билмайсизми?	9
Кўргим келади	10
Севгимдан тондим	11
Бариси ёлғон	11
Сурхонимнинг қизлари	12
Онаジョンим	13
Сўз яхши	14
Икки қиз	14
Эсладим	15
Бир келса	16
Бўлишинг керак	16
Хафа бўлма	17
Ёқармикан	18
Армонли дамлар	18
Ёт бўлди	19
Қайга бораман	20
Алишер	21
Сиздай бўлолмайди	22
Қизғалдоғим	23
Бўлганда	23
Шахмат ўйна	24
Ўзбекнинг аёли	26
Ўтар	27
Дарвешона қилайлик	28
Бевафо дунё	29
Қоча бошлиди	30
Онаジョン	31
Сен қайдасан	32
Курисин	33
Мактабим	33
Орзулад оғушида	34
Кутармикан	34
Зарифа	35

Укам	36
Туртликлар	38
Энди	41
Ёлғончи дунё	42
Керакмас	43
Туртликлар	44
Құлмадинг	45
Келин келгунча	46
Қызы топгунча	47
Түшди	48
Эрқа ўғыл	48
Күмсаш	50
Бұлсін	51
Зулфия	52
Кетмагин	52
Кела қол	53
Бұлмайди	54
Қолмади	54
Дунё	55
Чиройли қыз	56
Чимилдик	57
Хуршида	57
Нилуфарга	58
Келади бир күн	59
Қолмади	60
Келарми	60
Келгин	61
Синглим	62
Бұласан	63
Отамдай бұлған борми	64
Сүраб құйғин ҳолимни	65
Ишонманг	66
Күриб	67
Мастонага	68
Үғлемінга тилагим	69
У	70
Иродахонга	70
Зебога	71
Ватан	71
Баҳор	72
Нетай	73

Адабий-бадиий нашр

Шавкат Хуррамов

ОЙ ТҮЛИШГАН ОҚШОМ

Шеърлар

Муҳаррир:
Луқмон Бўрихон

Техник муҳаррир:
Файзулло Азизов

Мусахҳиха:
Нодира Эгамкулова

Дизайнер:
Дилмурод Жалилов

"Turon zamin ziyo" нашриёти
Nashr.lit № AI 171. 2010 йил 11 июн
Тошкент ш. Юнусобод-14. 27/35

Теришга 2013 йил 10 ноябрда берилди.
Босишига 2013 йил 24 декабрда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. "Virtec Times" гарнитурасида
оффсет босма усулида оффсет қофозида босилди.
2,25 шарт. б.т. 2,6 ҳисоб нашр. таб.
Адади 1000 нусха. 171-сон буюртма.

"Muхаррир nashriyoti" матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-йй
E-mail: Muхarrir@list.ru